

«Мушоира» сўзи шоирларнинг айтишувини ва айтишув давомида мусобакалашувини англатади. Шеър айтиш ва мусобакалашиш жараёнида ўзбек мумтоз адабиётида мушоира жанри шаклланган. Бу жанрдаги асарларда аввал бир шоир бир байт шеър айтса, иккинчи шоир унинг фикрларини давом эттириб ва ривожлантириб, навбатдаги байтни тўқийди. Одатда, биринчи байтдаги кофия ва радифни саклаган холда навбатма-навбат байтлар айтилаверади. Натижада, газал шаклидаги яхлит асар вужудга келади. Бундай асарнинг намунаси сифатида шоир Фазлий билан Махзунанинг мушоирасини кўрсатиш мумкин:

Фазлий:

Юз офарин сўзингга лубби лубоб кўрмай,
Арзи жамол этарму ойина об кўрмай.

Махзуна:

Кимдан чикар бу сўзлар бахри кабоб кўрмай,
Ганж ўлмагай муяссар холин хароб кўрмай.

Фазлий:

Мастураи суханга пўшидалиг муносиб,
Маъни арусини бас, мен беникоб кўрмай.

Махзуна:

Йўк айб сўзларимни, гар бўлмаса муаддаб,
Андокки ўт кўкарга хеч офтоб кўрмай.

Фазлий:

Майгун лабинг хадиси маст этти гойибона.
Кайфият ўлди зохир жоми шароб кўрмай.

Махзуна:

Бир важх буки таъбим хом асрамиш замона,
Чархи сипехрдин ул хеч печу тоб кўрмай.

Фазлий:

Мундоки нуктадонсен, ким эрди устодинг,
Ой каби нур килмас, то офтоб кўрмай.

Махзуна:

Кўп нархлар йигилса дарёи нур дур ўлгай,
Илм ахлидин бу мискин бир шайху шоб кўрмай.

Фазлий:

Бир нукта айла зохир, Фазлийни кўйма махзун,
То кетмаин Наманган сендин жавоб кўрмай.

Махзуна:

Байтул-хазан ичинда узлат тутуб бу Махзун,
Фазли илохидур бу, йўкса китоб кўрмай.

Мушоира жанри, фикр-туйгуларда изчилликни саклаб бориш, байтларни муайян кофия ва радиф заминига куриш зарур бўлганлиги сабабли, шоирлардан катта махоратни, билимни, хозиржавобликни талаб килган.

Мумтоз адабиётда икки ё ундан ортик тилда ёзилган асарлар ҳам учрайди. Ўзида икки тил унсурларини бирлаштирган лирик шеър ширу шакар, деб аталган. Бундай асар намуналари халқлар ўртасидаги иктисодий-маданий алоқалар заминидан вужудга келган.

Ширу шакар мумтоз адабиётимизда кўпроқ ўзбек ва тожик тилларида битилган. Тожикча «шир» сўзи «сут», деган маънони англатади. Демак, «ширу шакар» дейилганда, сут билан шакарнинг кўшилиши кўзда тутилади. XV асрдан икки ё ундан ортиқ тил унсурлари кўшиб ёзилган асарларни «ширу шакар», деб атай бошлаганлар. Ўша давр шоири Юсуф Амирий «Чогир ва Банг мунозараси»ни тасвирлар экан, улар ўртасидаги яқинлик, хамжихатликни таърифлаш учун сут билан шакарнинг кўшилишидаги ёқимлилиқ фазилатидан фойдаланади:

Ширу шакартек бири бирлан карин,
Хамсабаку, хамнафаси, хамнишин.

Ширу шакарда, одатда, бир мисра тожик тилида берилса, иккинчиси ўзбек тилида ёзилган. Мисол сифатида Абдурахмон Жомийдан бошқа шундай тахаллусли шоирники деб тахмин қилинаётган куйидаги шеърни келтириш мумкин:

Эй лабат пурхандау чашми саёхат маст хоб,
Икки зулфинг орасида ой юзингдур офтоб.
Масти май мекунанд рўйи туро гарки арак,
Бода ичсанг, тўкилур икки кизил юздин гулоб.
Бул хавас дар базми васлат махраму, ман номумид.
Толеим шулдир менинг бахтим забун, холим хароб...

(Форс-тожик тилидаги мисралар мазмуни: эй лаби кулгудан доим очик, кора кўзларинг уйку билан маст, майнинг мастлиги сенинг юзингни терга гарк килди, бекарорлар васлинг базмига яқину мен эса ноумидман).

Бир мисранинг ўзида ҳам тожикча, ҳам ўзбекча сўзлар ишлатиб ёзилган ширу шакар ҳам бўлган:

Фуркатинг чўлинда хар бир йўл уза ўтруб кўзўм,
Айтти тожиклар тилинча кимни кўрса: «Хожа об»

(Лутфий)

Арабча-ўзбекча сўзлар кўшилиб ёзилган ширу шакарлар ҳам кўп бўлган. Мисол сифатида Навоий газалларидан бирининг биринчи ва охириги байтларини эслаш мумкин:

Ашракат минг акси шамсил-каъси анворул-худо,
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чикди садо.
Ташна лаб ўлма, Навоий, чун азал сокийсидин,
«Ишрабу ё айюхал-атшон» келур хар дам нидо.

(Матлаъдаги арабча мисранинг мазмуни: коса куёшнинг аксидан хидоят нурлари чиқиб таралди. Мактаннинг иккинчи мисрасидаги арабча сўзлар маъноси: «Эй ташналар, ичинглар»).

Ширу шакарда фақат мисралар эмас, балки турли тилда ёзилган бутун-бутун бандлар ҳам ўрин алмашиб туриши холлари учрайди. Гохида ширу шакарлар уч хил унсурлар, хусусан, арабча, тожикча, ўзбекча сўзлар орқали ёзилган. Улар «шахду ширу шакар», деб аталган. Бунга мисол сифатида халқ ўртасида машхур бўлиб кетган бир ашуланинг мисраларини келтириш керак:

Аробий гуфтаам арар, ба форсий гуфтаам каддат,
Ба туркий сўзласам, бўюнг чаманда сабзазор ўлсун.
Аробий гуфтаам важхат, ба форсий гуфтаам рўят,
Ба туркий сўзласам, юзинг халойик интизор ўлсун.
Аробий гуфтаам хожиб ва форсий гуфтаам абрў,

Ба туркий сўзласам кошинг, камони халкадор ўлсун...

Ширу шакардаги мисраларнинг бири иккинчисининг таржимаси сифатида келмайди. XVIII ва XIX асрларда жиддий ширу шакарлар каторига анчагина хажвий типдагилар ҳам кўшилади. Хусусан, Махмур ва Мукимий сингари шоирлар ижодида хажвий ширу шакарлар катта ўрин тутди. Махмур ўз даврининг иллатларини фош этувчи хажвий ширу шакарларидан бирида Хўжа Мир Асад деган бир шахс хакида фикр юритади. Мир Асад шундай галати хўжаки, гапирганда, одамларнинг болалари ва хотинларини хакорат килмасдан сўзини тугатолмайди. «Манбаи жахлу, макони газабу, хилвати жавр», «вужуди ситаму, жисми жафо»дан иборат бўлган бу бадном шахс-нинг уйига шоир якинлашаётиб «вовайло» овозини эшитади. «Наърау, гулгулау, ох Асад, вой дариг»ларнинг боиси нимада эканини сўраганда, ох урувчилардан бири дейди:

Гуфт: эй шоири Махмур туро нест хабар,

Хўжам Амир Асад шуд зи фано сўйи бако.

Деди: эй хайрати гўё сенга етмади хабар,

Хўжамиз килди фано мулкидин оханги бако...

Махмур бу хажвияда ишлатган ширу шакар санъати учун хос белги хар мисрада янги фикрни ифодалаш баробарида тожикча мисраларни ўзбек тилида такрорлашдир. Лекин у сўзма-сўз такрор бўлмай, бошқача услубда, бошқа хил таъбирлар ёрдамида эришилган мазмуний такрордир.

Мукимий бошқача сиёсий-тарихий шароитда яша-ди. Мукимий поэзиясининг халкчиллик рухи илгор рус ижтимоий тафаккурининг таъсирида, зулмга қарши норозиликнинг кучайиб бориши билан боглик холда теранлашди. Рус сўзлари унинг шеърларига рус мада-нияти ва тилининг таъсирида кириб келди. Шоир «Московчи бой таърифиди» номли хажвияда савдогарчилик билан шугулланиб, Москвага катнаган, кейин синиб шарманда бўлган Ходихўжа эшон устидан кулади. Ходихўжа ўз заводидаги ишчилар кочиб кета бергач, корхонасини рус савдогарига ижарага кўяди. У ҳам жонидан тўйган ишчиларни ишлатолмайди:

Чикиб кочти бир-бир хамма мардикор,

Купес колди бу сирга хайрону зор.

Тоғиб мардикорни «сейчас юринг»,

«Пожалиста, — дер эди, — эмди туринг».

Ду бора яна борди бир ишга шул,

Сўкиб: «Нет, — деди, — келма, дуррак, пошёл».

Русча-ўзбекча аралаш ширу шакарлар Хамза Хакимзода ва бошқа шоирлар ижодида ҳам учрайди. Хамзанинг «Тўкинди йўлда» шеъри шу жанрда ёзилган.

Ширу шакар ёзиш анъанаси ўзбек шеърлятида маълум даражада давом эттирилди. Янги ширу шакарларнинг муаллифлари кардош халклардан бирининг тилидаги сўз ва ибораларни жалб этиш йўли билан ўша халкка бўлган дўстлик, биродарлик хисларини, фикрий якинликни, самимиятни ифодаладилар. Шоир Амин Умарий 1935 йили Садриддин Айний юбилеи муносабати билан «Санъаткор» деб аталган ширу шакар ёзиб, кардошлик туйгуларини ифодалашда тожикча ва ўзбекча сўзларни куйидагича ишлатган эди:

Субху шом доим шунидам «Дохунда», «Куллар» охини,

Сад азоб, саллак ситам тўсган уларнинг рухини.

Хурмати бисёр ила мактай улар хамрохини,

Зиндабод устод, сенга бўлсин юрак шеърляти.